

**АНЖИР ПАРВОНАСИ – ХАВФЛИ ЗАРАРКУНАНДА****Мирзаева С.А***қ.х.ф.н. доцент***Икромов О.Т***Талаба***Туманбоев З.С***талаба Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти*

Анжир барча тропик ва субтропик иқлимга эга давлатларда кенг тарқалган бўлиб, уни барча Ўртаденгиз бўйи давлатларда ҳамда Ўрта ва Кичик Осиё давлатлар ҳудудларида учратиш мумкин. Ер юзидан унинг 600 дан ортиқ навлари маълум [1].

Анжир парвонаси (*Choreutis nemorana* Hb.) Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида учрайдиган ва анжирга сезиларли даражада катта зарар етказадиган ашаддий зараркунандадир. Ўзбекистондан ташқари уни барча қўшни давлатларда, ҳамда Россиянинг жанубий ҳудудларида, Қрим, Кавказ, Марказий Осиёнинг тоғли ҳудудларида, Жанубий Европа, Ўртаер денгизи атрофидаги давлатлар, ҳамда Кичик Осиё давлатларида ҳам учратиш мумкин [2].

Ўзбекистонда анжир парвонаси айниқса анжир етиштиришга мослашган Сурхондарё, Фарғона водийси вилоятлари, Тошкент ва бошқа вилоятларда катта иқтисодий аҳамиятга эга [3].

Анжир парвонаси систематикада *Choreutidae* оиласига ўтказилган (илгари у *Glyphipteridae* оиласида бўлган). Капалагининг қанотлари ўзига хос шакл ва рангга эга. Қанот ёзганида унинг катталиги 15-17 мм га етади. Танаси тўқ-жигар ранг. Олдинги жуфт қанотлари қўнғир-жигар ранг бўлиб, орқа жуфт қанотлари эса қорамтир-қўнғир тусга эга. Қанотларининг четларида оқиб тукчали ҳошиялари мавжуд. Қуртлари сарғиш яшил тусда, усти дағал бўлиб, кўп қора доғлар билан қопланган, қорин қисмидаги оёқлари ингичка ва узун. Гумбаклари қўнғир тусда, цилиндрик шаклга эга бўлиб, қорин қисмининг охирида 1 жуфт чипор доғи бор [4].

Анжир парвонаси фақат анжирни зарарлайди. Баҳор фаслида асосан ёш барглари қиртишлаб еб, уни ғалвирлаб ташлайди. Бунинг натижасида новда ва дарахт ривождан орқада қолади, ҳосил камаяди. Зараркунанда 3-4-авлодларини анжир дарахтсимон бутасининг «иккинчи» ҳосил тўплаш даврида ўтказиши мумкин. Зараркунанда камроқ зарарлаган буталарнинг ҳар биридан 8 кг (гектардан 12,8 ц), кучли шикастлаган буталардан эса ҳар биридан 14,4 кг (гектардан эса – 23 ц) ҳосил йўқотилди. Шундай қилиб, анжир парвонасининг зарари қанчалик аҳамиятли эканлиги маълум бўлди.





1 расм. Анжир парвонаси (*Choreutis nemorana* Нв.) нинг зарари

Анжир парвонасига қарши самарали инсектицидлар мажмуига эга бўлиш учун дала тажрибалари ўтказилди. Анжирга Андижон вилояти, Избоскан тумани шароитида анжир парвонаси ва оддий ўргимчаккана зарар келтиргани учун биз комплекс таъсир этувчи замонавий дориларни синаб кўрдик. Алоҳида қилиб анжир парвонаси ҳамда ўргимчаккана ҳисоблаб чиқилди. Битта далада парвонага қарши 2 марта ишлов берилди. (жадвал 1).


Жадвалда кўриниб турганидек синалган дориларнинг ҳаммаси ҳам зараркунандага қарши юқори самара берди. Дориларнинг орасида Энджео (0,2 л/га) юқурироқ самара кўрсатган. Иккинчи ишловда эса, парвона қуртлари кўпроқ мева ичига кириб озикланиши ҳисобига дорига сезувчанлик пасайди.

жадвал №1

Зараркунандага қарши қўлланилган инсектицидларнинг биологик самарадорлиги

(Андижон вилояти, Избоскан тумани)

Вариантлар	Сарф-меёри, л/га	10 та новдадаги курт сони, дона				Самарадорлик, % кунларга:								
		Иш-лов гача	Ишловдан кейин				2		5		10		15	
			2	5	10	15	S	±m	S	±m	S	±m	S	±m
<i>26.05 да ишланган</i>														
Даламектин, 1,8% э.к.	0,4	27,1	3,6	1,7	2,5	4,2	86,6	4,2	94,2	1,2	90,5	0,7	-	-
Абамектин, 1,8% э.к.	0,4	4,3	1,1	1,1	1,6	1,3	4,9	1,8	4,3	1,7	9,2	1,3	-	-






Ә.к.															
Энджео, 24,7% сус.к.	0,2	31,3	1,4	0	2,7	4,4	95,5	1,7	100	-	91,2	2,8	-	-	
Циперф ос, 55% э.к.	1,5	26,5	3,8	2,1	6,7	5,7	85,6	2,3	92,7	3,1	74,1	4,2	-	-	
Назорат (ҳимоясиз)	-	29,6	29,3	31,9	28,8	15,3	-	-	-	-	-	-	-	-	
<i>23.07 да ишланган</i>															
Даламе ктин, 1,8% Ә.к.	0,4	37,2	3,3	5,1	7,4	6,2	91, 2	1,5	87,2	3,7	73,2	4,3	-	-	
Абамек тин, 1,8% Ә.к.	0,4	48,3	4,4	6,6	10,3	5,3	91, 0	3,7	88,2	1,2	71,2	3,7	-	-	
Энджео, 24,7% сус.к.	0,2	39,5	1,7	3,2	5,6	7, 2	95, 7	2,5	92,7	2,2	80,9	2,6	-	-	
Циперф ос, 55% э.к.	1,5	43,7	3,3	2,2	8,1	6,1	92, 5	1,6	95,2	1,1	75,0	4,3	-	-	
Назорат (ҳимоясиз)	-	51,7	2,2	4,0	8,4	1,7	-	-	-	-	-	-	-	-	

Бир неча йил мобайнида анжирни ўргимчакканадан ҳимоя қилувчи самарали воситалар яратиш устида иш олиб бордик. Хусусан, уларда комплекс таъсир қилувчи, ҳамда ихтисослашган акарицидлик хусусиятларга эга бўлган дорилар синаб кўрилди. Умуман олганда, ишлов ибратли ўтказилганида синовда бўлган ҳар бир дори қониқарли самарадорликни кўрсатган.

АДАБИЁТЛАР:

1. Арентд П.К. Инжир //Тр. Никитинского Бот. сада. – 1972, Т.56. – 233 с.
3. Попов П.Ф. Вредители инжира в условиях Азербайджанской ССР, изучение главнейших из них и разработка мер борьбы с ними //Автореф. дис. ... канд. биол. наук. – Ташкент, 1973. – 24 с.
4. Акбутаев А.Н. Анжир заркунандаларига қарши кураш чоралари учун тавсиянома. – Тошкент, 1998. – 12 б.
5. Mirzaeva, S. A., Tuychiev, I. U., & Talibjanov, O. O. (2022). The Use of Biological Agents in the Fight Against the Pomegranate Moth. *Journal of Optoelectronics Laser*, 41(4), 606-610.
6. Мирзаева, С.А. (2020). БИОЛОГИЯ И ВРЕД ОСНОВНОГО СОСУЩЕГО ВРЕДИТЕЛЯ ГРАНАТЫ. In *EUROPEAN RESEARCH* (pp. 58-61).





7. Abdusalomovna, M. S. (2022). NUTWORM A DANGEROUS PEST OF WALNUT. *Science and Innovation*, 1(1), 160-164.

8. Mirzaeva, S. A., Kambarova, M. X., Irgashev, M. U., & Rasulova, M. B. (2019). Application of harmonized fighting system against pomegranate orchard. *Indonesian Journal of Innovation Studies*, 8.

